

Муҳаммадсидиқов Муҳаммадолим – ТДШИ,
сиёсий фанлар доктори

ЯПОНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Япониянинг жаҳон ҳамжасамияти давлатлари орасида тараққиёт моделининг афзаликлари намоён қилинади. Аҳолисининг турмуши фаровонлиги даражаси ниҳоятда юксалди. Бинобарин, Япония ҳозирги кунда нафақат минтақада, балки бутун дунёда автомобилсозлик, янги ишлаб чиқариш технологиялари, илмий-техникавий тадқиқотлар, электрон - ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, электр жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда Япония ташқи сиёсатида АҚШ таъсиридан чиқиб, нисбатан эркин сиёсат юритиш имкониятига эга бўлди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Япония ташқи сиёсатининг бир мунча жонланиш даври бошланди. ХХР билан иқтисодий алоқаларнинг ўсиши, “совуқ уруши” якунининг яқинлашаётганлиги, Япония раҳбариятининг иқтисодий куч билан сиёсий йўлни мувофиқлаштиришига интилиши янги интилишларнинг асосий сабаби бўлди.

Япония БМТ раҳбарлигидаги тинчликпарвар ҳаракатларда иштирок эта бошлади, хусусан, 1992 йил октябрда тинчлик сақлаши бўйича БМТ ҳарбий ҳаракатлари доирасида Камбоджага илк маротаба ўз мамлакатининг муҳандислик батальонини юбориб, Камбоджадаги можарони ҳал қилишда қатор сиёсий ташаббуслар билан чиқди.

Япония ташқи сиёсатининг “уч устуни” а) бутун дунёда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга; б) ривожланаётган давлатларни ривожлантиришга; в) глобал жамиятнинг ҳар бир фуқароси фаровонлигига ёрдам бериш керак.

Япония иқтисодий қудратига таянган ҳолда ва БМТ доирасида фаол қатнашаётганидан фойдаланиб, ўзининг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига киритилиши тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйиши эҳтимоли мавжуд.

Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлишига интилишининг яна бир сабаби, агарда имконият берилса, ўзининг милитаристик ўтмишига алоқадор масалани ижобий ҳал қилишдан иборатdir.

Таянч сўз ва иборалар: совуқ уруши, шимолий ҳудудлар, Евросиё дипломатияси, Тинчликни таъминлаш, ўз ўзини ҳимоя кучлари, Япония модели, иқтисодий ҳамкорлик, молиявий ёрдамлар.

Аннотация. В статье освещаются преимущества модели развития Японии среди мирового сообщества. Уровень жизни населения значительно

вырос. Строя, Япония в настоящее время является лидером в автомобильной промышленности, новых производственных технологиях, научно-технических исследованиях и компьютерном, электротехническом оборудовании не только в регионе, но и во всем мире.

Сегодня у Японии была возможность проводить относительно свободную политику во внешней политике США вне влияния США.

В 1980-х годах начался период возрождения внешней политики Японии. Основной причиной новых устремлений стал рост экономических связей с КНР, окончание холодной войны и стремление японского руководства согласовать политический путь с экономической властью.

Япония начала участвовать в миротворческих операциях под руководством ООН, и в октябре 1992 года впервые в миротворческой операции ООН развернула инженерный батальон своей страны в Камбодже и выступила с рядом политических инициатив по урегулированию камбоджийского конфликта.

Три столпа внешней политики Японии: а) содействие стабильности и миру во всем мире; б) развивающиеся страны; (в) благосостояние каждого гражданина мирового сообщества.

Воспользовавшись экономической мощью Японии и ее активным участием в Организации Объединенных Наций, она может поставить вопрос о ее членстве в Совете Безопасности ООН.

Еще одна причина, по которой Япония стремится стать членом Совета Безопасности ООН, заключается в том, чтобы, если бы у нее была возможность, позитивно рассмотреть вопрос о своем милитаристском прошлом.

Опорные слова и выражения: холодная война, северные территории, евразийская дипломатия, миротворчество, силы самообороны, японская модель, экономическое сотрудничество, финансовая помощь.

Abstract. The article highlights the benefits of Japan's development model among the global community. The standard of living of the population has grown significantly. Building, Japan is currently a leader in the automotive industry, new manufacturing technologies, scientific and technical research and computer, electrical equipment, not only in the region, but throughout the world.

Today, Japan had the opportunity to pursue a relatively free policy in US foreign policy outside the influence of the United States.

In the 1980s, a period of revival of Japanese foreign policy began. The main reason for the new aspirations was the growth of economic ties with the PRC, the end of the Cold War and the desire of the Japanese leadership to coordinate the political path with economic power.

Japan began to participate in UN-led peacekeeping operations, and in October 1992, for the first time in a UN peacekeeping operation, launched its country's engineering battalion in Cambodia and launched several political initiatives to resolve the Cambodian conflict.

Three pillars of Japanese foreign policy: a) promoting stability and world peace; b) developing countries; (c) the welfare of every citizen of the world community.

Taking advantage of the economic power of Japan and its active participation in the United Nations, it can raise the issue of its membership in the UN Security Council.

Another reason Japan aspires to become a member of the UN Security Council is that, if it had the opportunity, to positively consider the issue of its militaristic past.

Keywords and expressions: cold war, northern territories, Eurasian diplomacy, peacekeeping, self-defense forces, Japanese model, economic cooperation, financial assistance.

Кириш. Ҳозирги кунда Япония тарихида чуқур из қолдирадиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар давом этмоқда. Япония жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг тараққиёт модели афзалликларини намоён қилди, мавжуд муаммоларни ўзидағи ресурслар ёрдамида ҳал қила олишини исботлади. Ахолисининг турмуш фаровонлиги даражаси ниҳоятда юксалди.

Япониянинг собиқ Баш вазири Я.Накосонэ 1986 йилда шундай деган эди: “Япония халқаро ҳамжамиятда фахрлироқ ўрин эгаллашга даъвогарлик қиласди”¹. Баш вазир ўз давлатининг құдратига шубха қилмаган. Бинобарин, Япония ҳозирги кунда нафақат минтақада, балки бутун дунёда автомобилсозлик, янги ишлаб чыкаш технологиялари, илмий-техникавий тадқиқотлар, электрон - ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, электр жиҳозлари ишлаб чыкаш бўйича етакчилик қилмоқда.

Мақсад ва вазифа. Бугунги кунда Япония раҳбарияти олдида мустақил ташқи сиёsat юритиш ва ташқи сиёsatда устувор йўналишни белгилаш имконияти туғилди. Бунинг учун қўйидаги омиллар мавжуд:

а) Дунё миқёсидаги сабаблар: Совет Иттилоғининг парчаланиб кетиши ва шу билан боғлиқ қарама-қаршиликлар ҳамда “совуқ уруш” мағкурасининг тугаши.

б) Минтақа миқёсидаги сабаблар: Шимолий Атлантика блоки (НАТО)нинг Шарққа қараб кенгайиши ва минтақанинг йирик давлати бўлган

¹ Шарапов А.А. Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари. Монография. – Т.: ТошДШИ, 2014. – Б.34.

XXР ҳарбий-сиёсий мавқеининг ошиши ҳамда Япониянинг иттифоқдоши бўлган АҚШни жиловлашга қаратилган Россия-ХХР ҳамкорлигининг мавжудлиги. Бу омиллар Япония хукумати олдида бир-бирига зид бўлган турли имкониятлар туғдирди.

Биринчидан, шу вақтгача собиқ Совет Иттифоқини жиловлаб туриш мақсадида, Япония ташқи сиёсатида АҚШ таъсири остида бўлса, энди Япония нисбатан эркин сиёсат юритиш имкониятига эга бўлди.

Иккинчидан, Япония ўз мавқеига мос ташқи сиёсат юритишига интилсада, айни вақтнинг ўзида япон-америка ҳарбий ҳамкорлигида иккинчи даражали мавқега эга. Маълум вақтдан сўнг бундай ҳолат Токио учун долзарблигини йўқотиши ҳам эҳтимолдан холи эмас².

Япония иккинчи жаҳон урушидан сўнг вайрон бўлган ва мағлубиятга учраган Осиё мамлакатидан дунёда иқтисоди бўйича иккинчи йирик давлатга айланишигача бўлган узоқ ва қийин даврни босиб ўтди. Дунёдаги ўзгаришлар тўғридан-тўғри Япониянинг танлаган ташқи сиёсий йўлига таъсир кўрсатди.

Япониянинг дунё мамлакатларининг кўпчилиги билан алоқаларининг расмий равища тикланиши 1951 йил Сан-франциско тинчлик битимининг имзоланишидан сўнг рўй берди. Япониянинг Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тикланиши ва иқтисодий ривожланиш шароитларини таъминлаш ташқи сиёсатнинг муҳим масаласи бўлиб Япониянинг ташқи сиёсатда тутган йўли АҚШ билан иттифоқдош алоқаларга қаратилган эди. 1851 йилдаги Хавфсизлик битими икки томонлама алоқаларнинг муҳим асоси бўлди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Япония аста-секин дунё миқёсидаги иқтисодий марказлардан бирига айланиб бориб, иқтисодий томонлама дунёда энг тез ривожланаётган мамлакатга айланди³.

Усуллар: илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, тарихийлик ва холослиқ, статистик таҳлил ва тизимлаштириш тамойиллари, шунингдек, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Ўтган асрнинг 80-йилларида Япония ташқи сиёсатининг бир мунча жонланиш даври бошланди. XXР билан иқтисодий алоқаларнинг ўсиши, “совуқ уруш” якунининг яқинлашаётганлиги, Япония раҳбариятининг иқтисодий куч билан сиёсий йўлни мувофиқлаштиришга интилиши янги интилишларнинг асосий сабаби бўлди. Бу даврда Япония 1987

² Шарапов А.А. Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари. Монография. – Т.: ТошДШИ, 2014. – Б.35.

³ Внешняя политика Японии на современном этапе // <http://www.allistoria.ru/allis-629-1.html/>

йил Манилада бўлиб ўтган саммитда иштирок этиб АСЕАН ва Фарбий Европа билан ўзининг ҳамкорлигини жонлантирди⁴.

Япония 1991 йилда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш ва Ироқ тажовузидан зарар кўрган мамлакатларга ёрдам учун маблағ ажратиб, Форс кўрфазидаги урушда молиявий томонлама фаол иштирок этди. Форс кўрфазидаги низоли вазият ўзгараётган дунёда Япониянинг аҳамиятига ортиқча баҳо берилишига сабаб бўлди.

Япония БМТ раҳбарлигидаги тинчликпарвар ҳаракатларда иштирок эта бошлади, хусусан, 1992 йил октябрда тинчлик сақлаш бўйича БМТ ҳарбий ҳаракатлари доирасида Камбоджага илк маротаба ўз мамлакатининг муҳандислик батальонини юбориб, Камбоджадаги можарони ҳал қилишда қатор сиёсий ташабbusлар билан чиқди. Камбоджадаги вазиятни ҳал қилишда фаол иштирок этиш ва бу мамлакатга кўрсатган молиявий ёрдам дунёда Япониянинг роли ўзгараётганлигини кўрсатиши лозим эди.

Ташқи сиёсатнинг ўзгариши, энг мақбул тўхтамга келиш ҳозирги пайтда ҳам тугалланмаган узоқча чўзиладиган жараёндир. Япония раҳбарлари ва мутахассислари томонидан тақдим этилаётган ташқи сиёсат ривожининг турли вариантлари Япониянинг минтақавий ва дунё миқёсидаги ташабbusларининг ўзгарганлиги ифодаси ҳисобланади.

Масалан, 1997 йилда Япония бош вазири томонидан “Евросиё димломатияси” ғояси овоза қилинди. “Евросиё димломатияси” концепцияси Япония ҳамкорлигининг (АҚШ билан АРФ, АТЕС ва умуман АТР доирасида) анъанавий йўналишлари билан бир қаторда Евросиё, биринчи навбатда “Буюк Ипак Йўли” бўйида жойлашган мамлакатлар билан алоқаларни жонлантиришга қаратилган.

Япония БМТнинг Хавфсизлик Кенгashi таркибига доимий аъзоларни киритиш мақсадини қўйиб, уни ислоҳ қилиш ташабbusи билан чиқди. Ушбу масала БМТнинг аҳамияти жиҳатидан иккинчи молиявий ҳомийси бўлган Япониянинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллади.

Мамлакат ташқи сиёсатида ХХР билан алоқалар ҳам муҳим ўрин эгаллади. Иқтисодий соҳа бирламчи аҳамиятга эга. Ядро қуролига эга йирик давлат билан яхши ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган алоқалари ҳам хавфсизликнинг қўшимча кафолати ҳисобланади.

Денгиз чегараси, тарихий ўтмиш, ХХРнинг Россия билан яқинлашуви масалалари бўйича мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликлар сиёсий алоқаларнинг ривожидаги жиҳдий тўсиқдир. Япониянинг тинчликпарварлик

⁴ <http://mir-politika.ru/207-ekonomicheskaya-politika-yaponii-i-novye-instrumenty-diplomatii.html>.

харакатларида иштироки ва Япония Конституциясининг тегишли моддаларининг қайтадан кўриб чиқилиши сабабли XXР Япония ташқи сиёсатининг жонланишидан ва ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги харакатларидан хавотирга тушган.

Япон-рус алоқалари “шимолий худудлар” муаммолари билан хирадашган. Россия ва Япония гарчи дипломатик алоқалар тикланиб ва муайян ютуқлар билан ривожланса ҳам ҳанузгача тинчлик битимини имзолашмаган. Ҳудудий муаммолар билан тинчлик битимини ҳаддан ташқари боғланиши мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланишини ниҳоятда оғирлаштироқда⁵.

Охириг пайтларда Япония бир неча бор ўзи учун позитив тўхтамга келиш имкониятига эга эди. Мисол учун, 1956 йилда ўз позициясини енгиллаштиришда Япония раҳбариятининг шайлиги муаммонинг ҳал этилишига олиб келмади. 1980-йиллар иккинчи ярмида Япониянинг молиявий механизмлар воситасида вазиятни ҳал этишга уруниши муваффақиятга эришмади. Ниҳоят, 1993 йилда, Россия президентининг ташрифи давомида, белгиланган имкониятлар Япониянинг муросасизлиги сабабли амалга оширилмади.

XXI аср бошида Россиянинг кучайиши Япониянинг “ shimolий худудлар” масаласини бир томонлама муросасиз ҳал этишга бўлган ишончини пучга чиқармоқда.

Таъкидлаш жоизки, Япония ўзи учун бошқа муҳим масалани – БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси статусини олишда Россиянинг қўллаб-қувватлашига муҳтож.

Корея муаммосининг ҳал этилиши Япония ташқи сиёсатининг биринчи галда ечилиши лозим бўлган масалаларидан биридир. КХДР ва Корея Республикаси билан алоқалар Корея ярим оролининг узоқ давом этган Япония истилоси изини қолдирган.

Алоқаларни йўлга қўйилиши ҳақида Япония ва КХДР ўртасида узоқ пайтгача музокара олиб боришга имкон бўлмади. Бунга сабаб Шимолий Корея “совук уруш” шароитида ўзига хос талабларда яшаши ва Корея ярим оролининг истилоси даврида Япония келтирган заарни тўлаш ҳақидаги масаладир. Шунга қарамай, 1991 йил январдан 1992 йил ноябр ойига қадар давр ичida бундай музокараларни бошлашга муваффақ бўлинди.

Бадал тўланишига оид КХДРнинг талабларига Япония давлатлар ўртасида ҳеч қандай уруш ҳолати юз бермаган дея жавоб бермоқда ва 1970-1980- йилларда Япония фуқароларининг ўғирлаб кетилиши муносабати билан

⁵ <http://www.dissercat.com/content/rossiisko-yaponskie-otnosheniya-na-sovremennom-etape-politologicheskii-analiz>.

даъво қилмоқда. КХДРнинг ракета ва ядервий дастури 1998 йил Япония томонидан санкция киритилишига олиб келди.

АҚШ билан алоқалар Япония учун жуда муҳимдир. Сан-франциско тинчлик шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб Япония мустақил давлат бўла туриб, АҚШга ҳарбий хавфсизликни таъминлашда мислсиз ҳақхуқуқларни тақдим қилди. Япония худудида америка қўшинларининг чексиз муддатда ҳозир бўлиши, ўз мамлакати ҳудудини ҳимоя қила оладиган япон қуролли кучларининг йўқлиги шароитида хавфсизликка америка кафолати, ҳарбий корхоналар устидан назорат, АҚШнинг “ядровий соябони” – бунинг ҳаммаси америка истилоси тугатилишини таркиб топтирган муҳим омиллар ҳисобланган.

Япония худудида АҚШнинг ядро қуроли ўрнатилгандир. АҚШ қуролли кучлари фавқулодда ҳолатларда фуқаролар аэророми ва денгиз портларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Япония, КХДР томонидан бўладиган таҳдид, Тайвань атрофидаги вазиятнинг эҳтимолий кескинлашуви ва “шимолий ҳудудлар” муаммосидан хавотирга тушиб, АҚШ ёрдамида миллий ракеталарга қарши мудофаа тизимини яратишни назарда тутган. Ундан ташқари, кўпчилик мутахассисларнинг фикрига қўра, Япония кучи жиҳатидан ўз ядро қуролини яратишга қодир.

АҚШ, Австралия ва Япония ўзаро ҳамкорлигининг янги негизларини шакллантиришмоқда. Бу ҳамкорлик келажақда ҳарбий блок тузилишига олиб келиши мумкин.

АҚШ Япониянинг қуролли кучларининг расмий равишда тикланиш астасекин ўтишини қўллаб-қувватламоқда. Япония Конституциясининг 9-моддаси мамлакатга ўз армиясига эга бўлишни, можароларда иштирок этишини тақиқларди⁶. Ҳатто, АҚШ Ироқ янги ҳукуматига қатъий ваколатни расмий равишда топширгандан сўнг ҳам, Япония ўзини мудофаа қилиш кучларининг Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда иштироки Япония қуролли кучларини тузишга юридик масалаларгина тўғаноқ бўлаётганлигини билдирад эди.

2006 йил 15 декабря Япония Мудофаа вазирлиги расмий таъсис этилди ва ўз мамлакатларидан ташқарида тинчликпарвар ҳаракатларда иштирок этиш расмий равишда рухсат берилган унинг қуролли кучлари тузилди.

Шундай қилиб, Япония ташқи сиёсати Иккинчи жаҳон уруши натижаларининг таъсири остида шаклланди. Иқтисодий ривожланишдаги ютуқ-

⁶ Конституция Японии Промульгирована 3 ноября 1946 г. Вступила в силу 3 мая 1947 г. // http://asiapacific.narod.ru/japan/constitution_of_japan1.htm/

ларга қарамай, Япония ўзининг миллий манфаатларини муносиб равишда ҳимоя қилиш учун сиёсий имкониятларга эга эди.

“Совуқ уруш”дан сўнг Япония ташқи сиёсатининг ўзгаришини минтаقا ва дунёдаги геосиёсий ўзгаришлар келтириб чиқарди. Япония минтақавий можароларни ҳал қилишга катта эътибор бера бошлади. Япония ривожланаётган мамлакатларга ёрдам қўрсатишида дунёда етакчига айланди. Япония ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилар: АҚШ асосий ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ҳамкор сифатида; АТР; Корея Республикаси ва КХДР; ХХР; Россия; ЕИ; энергоресурсларга бой минтақалар.

1987 йили Япония ташқи сиёсатига бағишлиган “Ташқи сиёсат бўйича Мовий китоб”да мазкур мамлакатнинг янги дунё тартиботи шаклланишидаги ўрни ортиб бораётгани қайд қилинади. Бутун ер юзида тинчлик ва тараққиётни таъминламасдан, Япониянинг хавфсизлиги ва гуллаб-яшинашини кафолатлаб бўлмайди. Агар Япония ташқи сиёсатини доира деб олсак, ички доира бу-япон давлати нуқтаи назарича, ғоят муҳим бўлган иқтисод, хавфсизлик ва бошқа турли соҳаларда вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи минтақавий сиёсат, ташқи доира эса, ушбу минтақавий сиёсатни амалга оширишда етарли шарт-шароитлар яратувчи дунё миқёсидаги сиёсатdir⁷.

Албатта, ҳар икки омил ўртасида ўзаро боқлиқлик мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда Япония ташқи сиёсатида минтақавийлик тенденцияси устуворлик қилмоқда⁸.

Япония ташқи сиёсатида минтақавий тенденция мавжудлигини собиқ бош вазир Р.Хасимото сўзларида ҳам кўриш мумкин: “совет-америка қарама-қаршиликлари тугагандан сўнг, дунё иқтисодиёт, сиёсат соҳасида ҳам ягона бўлиб қолди. Аммо минтақавий низолар хавфи мавжуд”. Ф.Фукуяма фикрича, Жанубий Корея, Япония ва Хитой ўртасидаги низолар, тушунмовчиликлар яқин йилларда сақланиб қолади. Аммо бу хавфнинг кескинлигини пасайтиришда халқаро мулоқотнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш лозим⁹.

Бундай шароитда Япония ташқи сиёсатининг асосий вазифаси мамлакат хавфсизлигини, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўлади”¹⁰.

Япония ташқи сиёсатининг “уч устуни” а) бутун дунёда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга; б) ривожланаётган давлатларни ривожлантиришга; в) глобал жамиятнинг ҳар бир фуқароси фаровонлигига ёрдам бериш керак.

⁷ Япония 90-х: кризис системы или времененные сбои. –М., 1998. – С.234.

⁸ The Daily Yomiuri. 20.05.1997.

⁹ Чугров С. Почему обостряются антияпонские настроения в Китае и Южной Корее? // Мировая экономика и международные отношения, 2005. – №11. – С.32.

¹⁰ Асахи симбун. 29.06.1997 (веч. вып.).

Япония ташки сиёсатининг тамойиллари қуидагилардан иборат: ядроиззлик бўйича уч тамойил; Япония ҳеч қачон ҳарбий давлат бўлмайди; ҳамкорлик, ўзаро алоқаларни кучайтириши керак; ОТОМ билан ҳамкорлик бошқалар учун очиқ бўлиши керак.

Япония ҳарбий давлат бўлмайди, деб номланган тамойил кўпроқ япон жамоатчилиги учун қаратилган, негаки, Япония ҳарбий харажатлари катта миқдорни ташкил қилиши халқаро ҳамжамиятга маълум. 1990 йиллар охиридаги маълумотлар бўйича Япония ҳарбий салоҳиятига кўра, дунёнинг олтида ҳарбийлашган давлатлари қаторига кирган¹¹. 2012 йил декабрида ҳокимият тепасига келган С.Абэ маъмурияти “мудофаа армияси”ни тузишга интилиши билан юқоридаги тенденция мантиқан ниҳоясига етди. 2013 йилда Миллий хавфсизлик кенгаши тузилди. 2014 молия йилида мамлакатнинг ҳарбий бюджети 2,2% ошди (бу сўнгти 18 йил ичидаги рекорд кўрсаткич)¹². Бунга албатта, минтақадаги мавжуд геосиёсий вазият таъсир қилгани аён.

Япониянинг терроризмга қарши курашида асосий омил - 2001 йил 29 октябрда терроризм билан курашиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун мамлакатнинг «ўз-ўзини мудофаа кучларини» давлат ҳудудидан ташқаридаги аксилтеррор ҳаракатларда фойдаланишига ҳукуқий асос бўлиб, улардан фронт орти ва гуманитар соҳаларда фойдаланиш қайд этилган. Қонун ушбу кучларнинг жанговар ҳаракатларнинг барча кўринишларидаги иштирокини тақиқлади. Қонун Япониянинг аксилтеррор коалициядаги позициясини мустаҳкамлади. Табиийки, мазкур қонун минтақада турлича қарашларни юзага келтирди, яъни бу қонун «ўз-ўзини мудофаа кучларини» БМТ мандатисиз, ёлғиз Вашингтоннинг қарори асосида аксилтеррор гурӯх таркибида кенг кўламли ҳарбий операцияларда иштирок этишга ҳам асос яратади.

Япония парламенти томонидан қабул қилинган «Тинчликни таъминлаш ва бошқа операцияларни ўтказишда БМТ билан ҳамкорлик тўғрисида»ги Қонун «ўз-ўзини мудофаа кучлари»нинг БМТ операцияларидағи иштирокини жиддий чеклади:

- низода иштирок этаётган ҳар икки томон ҳам жанговар ҳаракатларни тўхтатишга рози бўлишлари керак;
- низода иштирок этаётган барча томонлар тинчликни таъминлаш операциясини ва унда Япония ҳарбий қўшилмаларини қўллаб-қувватлаши керак;
- низода БМТ ва Япония ўзаро мувозанатни сақлаши лозим;

¹¹ Арин О. АТР: мифи, иллюзии и реальность. –М.: Флинта, 1997. – С.273.

¹² Стрельцов Д. Япония: новая политика национальной безопасности //Russian council.ru 13/02/2014

- кўрсатилган шартлар бажарилмаган тақдирда Япония ўз қўшилмаларини олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини сақлаб қолади;
- қуродан фойдаланиш зарурий мудофаа доирасида чегараланади¹³.

Қонунга кўра, тинчликни сақлаш операцияларида иштирок этаётган қўшилмалардаги шахсий таркиб сони 2000 нафар киши миқдорида чегараланган.

2002 йил 3-5 ноябрь кунлари Япония собиқ Бош вазири Ж. Коидзуми Комбоджада ўтган АСЕАН йигилишида иштирок этди. Учрашув натижасига кўра, Ж. Коидзуми ва АСЕАНга аъзо давлатлар раҳбарлари 2003 йилда Япония АСЕАН иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича музокаралар бошлишига келишиб олдилар. Томонлар Япония-АСЕАН мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи фаолият олиб боришиларини қўшма Декларацияда эътироф этдилар. Ж. Коидзуми ХХР, Жанубий Корея делегацияси раҳбарлари билан учрашиб, Шимолий Корея ядро дастури хусусида ҳам фикр алмашди.

Саммит иштирокчилари минтақавий хавфсизлик муаммолари, интеграцион жараёнларни кучайтириш орқали Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ўсишини таъминлаш муаммоларини қамровли муҳокама қилдилар.

Кўпчилик таҳлилчилар фикрича, бу интеграциявий лойиҳада етакчилик ролини ХХР бажариши ва у билан Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан фақат Япония рақобат қила олиши мумкин. Шундай экан, лойиҳанинг амалга ошишидан ХХР манфаатдор.

Эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши Пекинга катта фойда беришдан ташқари, ХХР Японияни Осиё-Тинч океани минтақаси етакчиси позициясидан суриб чиқариши эҳтимоли мавжуд. Аммо АҚШ ўз иттифоқчиси Японияни қўллаб, уни Пекин билан рақобатнинг чўзилишига таъсир этиши мумкин. ХХРнинг минтақавий етакчилигига Япониянинг уринишларини қўллашда АҚШ етарли асосга эга. Аслида, АҚШ томонидан амалга оширилаётган бундай ҳаракат замирида кенгроқ геосиёсий ландшафтни шакллантириш ўз аксини топган. Бундан ташқари, АҚШ Осиё қитъаси ёки Осиёнинг бирор минтақасида бирор-бир давлат устуворлик қилишини хоҳламайди¹⁴. Ана шундай омиллар туфайли Япония мавжуд иқтисодий салоҳиятидан ўзининг сиёсий обрўсини БМТ фаолияти доирасида ҳамда халқаро муносабатларда низоларни ҳал қилишда қатнашиш орқали фойдаланмоқда¹⁵.

¹³ Diplomatic bluebook. Ministry of Foreign Affairs. Japan. Tokyo. 2000. – Р.21.

¹⁴ Челлани Б. Тень Китая над Азией и политика США//Россия в глобальной политике, 2010. Т.8. –№6, ноябрь-декабрь. – С.168.

¹⁵ Япония 90-х: кризис системы или временные сбои. –М., 1998. – С.243.

Япониянинг Афғонистонга 2002 йил учун берган ёрдами ҳажми 282 млн. АҚШ долларига етиб, бу билан Япония Токио конференциясида биринчи йилда ваъда қилинганд 250 млн. долларни (500 млн. дан) бажарди. Япония грантининг катта қисми мактаб, касалхона инфратузилмаларини тиклашга сарфланади. Шунингдек, 48,8 млн. АҚШ доллари Афғонистон ҳукуматининг ихтиёрига берилади¹⁶. 2012 йил Токиода бўлиб ўтган конференцияда 70 та мамлакатдан делегациялар иштирок этиб, улар 2015 йилгача Афғонистонга биргаликда 16 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули ажратишга қарор қилишди. Япония 2016 йилгача бунга қўшимча қилиб 3 млрд. АҚШ долларига тенг маблағ ажратишини эълон қилди¹⁷.

Япония иқтисодий қудратига таянган ҳолда ва БМТ доирасида фаол қатнашаётганидан фойдаланиб, ўзининг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига киритилиши тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйиши эҳтимоли мавжуд. 1997 йилда БМТ собиқ Бош котиби Кофи Аннан Япониянинг БМТнинг Истроил томонидан босиб олинган Жўлан тепаликлари худуди, Камбоджа ва Мозамбикда тинчликни таъминлашга қаратилган операцияларида фаол иштирок этганини таъкидлаб, Япониянинг Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлишига имкони борлигини айтиб ўтгани ҳам бу фикрнинг исботи сифатида баҳоланади¹⁸.

Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлишга интилишининг яна бир сабаби, агарда имконият берилса, ўзининг милитаристик ўтмишига алоқадор масалани ижобий ҳал қилишдан иборатдир¹⁹.

Япониянинг бу борадаги саъй-ҳаракатини АҚШ ҳам қўллаб-қувватлаган. Чунончи, бу тўғрида собиқ бош вазир Т.Фукуда АҚШ собиқ президенти Ж.Картер билан 1977 йили Вашингтонда келишган эди²⁰.

Баён этилган натижаларида Япония ташқи сиёсатининг воситалари ниҳоятда хилма-хиллиги ҳамда кўп қирралилиги намоён бўлади. Бу эса Япония дунёнинг сиёсий етакчи мамлакатларидан бири бўлишига эришишни кўзлаганини кўрсатади.

Бу мақсадга етишнинг яна бир воситаси бу – “Тараққиётга расмий ёрдам” дастуридир. Зоро, Япония ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш борасида дунёда етакчи мавқега эга²¹.

¹⁶Николаев Н. Дружеское участие или геополитическая игра? // Азия и Африка сегодня, 2002. –С.12.

¹⁷ Морозов Ю.В. Афғонистан после 2014 года: стабильность для государств ШОС или новый виток напряженности в Центрально-Азиатском регионе ?//Проблемы Дальнего Востока, 2013. – №2. – С.100.

¹⁸The Daily Yomiuri. 13.05.1997.

¹⁹ Шарапов А.А. Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари. Монография. – Т.: ТошДШИ, 2014. – Б.42.

²⁰Японская дипломатическая служба. – М., 1988. – С.92.

²¹ Takashi Inoguchi. The Political Economy of Japan. Vol.2. The changing international context (Stanford University Press, Stanbord California). – P.27.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш учун Япония Ташқи ишлар вазирлиги зарур маблағ билан таъминланган²².

Япония ташқи сиёсатида ёрдам олаётган (реципиент) мамлакатлар билан муносабатини ривожлантиришда маълум меъёрий талаблар шаклланган.

Буни Япониянинг қайси мамлакат билан қандай муносабатда бўлиши ойдинлаштиради. Одатда, бундай муносабатларга анъанавий омилларнинг қуидаги уч гуруҳи таъсир қиласи:

а) бўлажак шерик давлатнинг “кучлар мажмуи”, унинг жаҳон сиёсатига таъсири баҳоланади;

б) Япония билан бўлган икки томонлама муносабатида сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожи эътиборга олинади. Муносабатларнинг Япония хавфсизлигини таъминлаши ҳисобга олиниб, ҳарбий жиҳатлари ажралиб туради;

в) ниҳоят, юқоридаги омилларнинг хар икки гуруҳи Япониянинг умумий ташқи сиёсий йўналиши билан таққосланиб, қайси мамлакатда япон элчихонасини очиш мумкинлиги аниқланади, ходимлар сони белгиланади²³.

Бу анъана ҳозиргача ўз қучини йўқотгани йўқ, ушбу тартиб асосида Япония ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб келинмоқда.

Япониянинг АҚШ, Европа давлатлари билан муносабатлари ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши асосида унинг ички сиёсати манфаатлари мужассамлашган. Бундай тенденциянинг бошланишини шартли равишда XIX аср охирларидан ҳисоблаш мумкин. У даврда Япония кучсиз давлат бўлиб, халқаро муносабатларда иккинчи даражали рол ўйнар эди.

1887 йили Япония Ташқи ишлар вазири К.Иноуэ «...Империялизни европача империяга айлантирамиз. Келинглар, халқимизни европача халққа айлантирамиз. Шарқий дengизда европача янги империя қурамиз...», - деган даъватлар билан чиқкан эди²⁴. Бунинг асл моҳияти шунда эдики, ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни тубдан қайта қурмай туриб, Япония халқаро муносабатларда тенгма-тенг ҳамкорлик қила олмас эди. Япония кучли давлат бўлиш мақсадига эришиш учун Farb мамлакатлари билан мажбурий бўйсуниш ва чап беришлар дипломатиясини олиб борди. Бу дипломатия “ожизлик дипломатияси (нанъяку гайко)” ёки “гейша дипломатияси (гэйся гайко)” номини олди²⁵.

²² Японская дипломатическая служба. – М., 1988. – С.39.

²³ Ўша ерда. 46-бет.

²⁴ Yansen M. Japan and its World. - Princeton University Preps, 1980. – P.69.

²⁵ Японская дипломатическая служба. –М., 1988. – С.14.

Япониянинг келгуси тараққиёти тўғрисида мамлакат сиёсий намояндалари вакили Бош вазир С.Ёсида 50-йилларнинг ўрталарида қуйидаги концепцияни ўртага ташлаган: “...қуролли кучларга кетаётган сарф-харажатларни қисқартириб бўлса ҳам иқтисодий тараққиётни таъминлаш зарур”. Урушгача бўлган “Мамлакат тараққиётини кучли армия таъминлайди” шиори (“фукоку дзякухэй”) “Фарбий кучларни камайтириш орқали мамлакат тараққиётини таъминлаш” (“фукоку кехей”) шиорига алмаштирилди²⁶. Ва қолаверса, мудофаа масалалари АҚШга ишониб топширилди. Айнан шу вақтдан Япониянинг АҚШга муайян даражада тобелиги бошланди. Чунки япон ҳукмрон доиралари Япониянинг жаҳон ҳамжамиятида кучли давлат бўлиши учун бошқа йўл йўқ, деган қарорга келишди. Лекин бу йўналиш вақти келганда, қайта қўрилиши мумкин. “Япониянинг АҚШга нисбатан сиёсати Япония иқтисоди яхшиланиши ҳамда унинг халқаро мавқеи ва ўз-ўзига нисбатан ҳурматининиг ўсиши биланоқ ўзгариши керак”, деб таъкидлаган С.Ёсида²⁷.

АҚШ гегемонияси Япония учун З жиҳатга эга: расмий Вашингтоннинг глобал стратегияси асосида уни ҳимоя қиласи; мамлакатда АҚШ ҳарбий базалари жойлашади. Натижада Токио катта ҳарбий харажатлардан халос бўлади²⁸.

Мудофаа масалаларининг АҚШ ихтиёрига топширилишига яна бир сабаб шуки, Япониянинг урушдан кейин 1947 йил З майда кучга кирган Конституциянинг 9-моддасида қуролли кучлар тузилиши тақиқланган эди. Лекин реал воқелик мазкур Конституцияга ўзgartиришлар киритиш зарурлигини тақозо этди. Чунки халқаро муносабатларда «совук уруш» тенденциясининг пайдо бўлиши тинчликсевар япон Конституцияси муаллифлари олдига бир қанча долзарб вазифаларни кўндаланг қўйди (Асосий қонунни тайёрлашда америкалик мутахассислар иштирок этишган). Булар қуйидагилардан иборат:

- а) Япония Осиёда АҚШнинг «чўқмас авиаташувчиси» вазифасини бажариши керак бўлди;
- б) Япония ўзини СССР, ХХР, КХДР каби кучли ва хавфли қўшнилар халқасида деб ҳисоблагани учун ҳам ўз хавфсизлигини таъминлашни ўйлай бошлади.

1950 йил май ойида бошланган Корея ярим оролидаги уруш сабаб бўлиб, япон ҳукмрон доиралари оккупациявий қўшинлар штабидан «75 минг нафар кишилик резерв полиция корпуси»ни тузишга рухсатнома олди. Бу корпус икки

²⁶ Yoshida Shigeru K. The Memoirs. The Story of Japan In Crisis. L. 1961. – P.16-17.

²⁷ Ibid. –P. 8.

²⁸ Takashi Inoguchi-The Political Economy of Japan. Vol.2. The changing international context. (Stanford University Press, Stanbord California). – P.30.

йилдан сўнг «хавфсизлик корпуси»га айлантирилиб, штатлар сони 1,5 баробарга кўпайтирилди. 1954 йил июлида парламент «хавфсизлик корпусини» «ўз-ўзини ҳимоя кучлари»га ўзгартириш тўғрисидаги қонунни тасдиқлади. «ўз-ўзини ҳимоя кучлари»га қуруқликдаги, шунингдек, ҳарбий-ҳаво, ҳарбий-денгиз кучлари киради. Япония АҚШ кўмагида минтақада замонавий армия тузди.

Япониянинг 1976 йилда қабул қилинган Мудофаа доктринасига биноан “ўз-ўзини ҳимоя кучлари” давлат суверенитетига ташқаридан бўладиган кичик кўламдаги тажовузга қарши жавоб бериши керак. Ушбу кучларнинг давлат чегарасидан ташқарида ҳаракат қилиши конституциявий жиҳатдан ноқонуний ҳисобланар эди.

Япония ҳукмрон доираларининг конституцияни қайта кўриб чиқишига интилиши 2001 йил 24 апрелда Ж.Коидзуми бошчилигида тузилган вазирлар маҳкамаси фаолиятида кўзга ташланди. Ж.Коидзуми “ўз-ўзини ҳимоя кучлари”ни қонундан ташқарида бўлиб қолган «кулгили» вазият деб изоҳлади.

Мудофаа масалалари бўйича ҳукмрон ЛДП қўмитаси 2001 йил мартада конституцияни қайта кўриб чиқиш муаммолари юзасидан парламент комиссияси ва ҳукуматга “Япония миллий хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосий қонун” бўйича ишлаб чиқилган таклифларини тақдим этди²⁹. Унда колектив мудофаа ҳуқуқини ишлатиш соҳалари ва шартлари аниқ белгиланган бўлиши таъкидланади.

Мавжуд чекланишларни юмшатиш заруриятини ЛДП биринчи навбатда, халқаро вазият ўзгариши туфайли мамлакатнинг АҚШ билан биргаликда Осиё-Тинч океани минтақасида, умуман, бутун дунёда барқарорликни таъминлашдаги ҳиссасини қўпайтириш зарурияти билан асослади.

Конституцияни қайта кўриб чиқиш бўйича парламент комиссияларини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин мухолифатда ўзгаришлар юз берди. Япония демократик партияси, муаммони ўрганиш жараёнида Конституцияда колектив мудофаа ҳуқуқининг аниқ баён этилиши зарурлигини таъкидлади. Либерал партия (кейинроқ Демократик партияга кўшилади) 9-модданинг тинчликпарварлик ғояларига содиқлиги муҳимлигини эътироф этган ҳолда, асосий қонунда “ўз-ўзини ҳимоя кучлари”нинг ваколатлари аниқ белгиланиши зарурлигини таъкидлади. Партия “ўз-ўзини ҳимоя кучлари”нинг БМТ доирасидаги иштирокини ошириш ташабbusи билан чиқди.

Япония Компартияси “ўз-ўзини ҳимоя кучлари” ноқонуний эканини таъкидлаган ҳолда, ўзининг XXII съездидаги (2000 йил, ноябрь) бу кучлардан

²⁹ Самсонов В. Законодательство Японии в сфере обороны и перспективы его совершенствования // Зарубежное военное обозрение, 2003. –№2. – С.5.

фавқулодда ҳолатларда, ҳужумдан ҳимоя, кенг кўламли табиий оғатларнинг оқибатларини бартараф этишда фойдаланиш заруриятини эътироф этди.

Япония жамиятининг мамлакатни БМТ ХК доимий аъзоси бўлишга муносабати турличадир. Жамият бу масала бўйича қутблашган: кўпчилик японлар (70 % ошиги) Япония ўз худудидан ташқаридаги ҳарбий операцияларда иштирок этиш мажбуриятини олмаслик шарти билан БМТ ХК га аъзо бўлишини маъқуллайди. Озчилик эса конституциядаги чеклашларни бекор қилиш тарафдори³⁰.

Япония хукмрон доиралари ва партияларнинг Конституцияни қайта кўриб чиқиш муаммосига бўлган ёндашувлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу соҳа бўйича мунозаралар қўйидаги асосий йўналишларда давом этади: Асосий қонуннинг 9-моддасига ўзгартиришлар киритиш; давлат институтлари тизимида “ўз-ўзини мудофаа кучлари”нинг ўрни; колектив мудофаа ҳуқуқининг қўлланилиши; БМТ байроғи остида терроризмга қарши кураш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятда иштирок этиш.

Шунингдек, Конституциянинг 96-моддаси уни қайта кўриб чиқиш имкониятининг асосий омили сифатида хизмат қиласди. Ушбу модда бўйича Япония асосий қонунига ўзгартиришлар киритиш парламент ҳар иккала палатаси депутатларининг учдан икки қисми розилиги билангина амалга оширилади. Шундан сўнг умумяпон референдумида унинг учун кўпчилик овоз бериши керак бўлади³¹.

Япония олдида турган вазифалар ўзаро диалектик боғлиқлиги билан ажralиб туради. Хусусан, Япония ташқи сиёсатида шундай тенденциянинг юзага келиши унда минтақавий ва дунё миқёсда ташқи сиёсий йўналиш устуворлик қилиб, бундай сиёсатнинг асосий мақсади мамлакат олдида турган стратегик вазифа, яъни Япониянинг халқаро миқёсдаги сиёсий салоҳиятини ундаги мавжуд иқтисодий салоҳият даражасига кўтариш вазифаси турибди. Гарчи иқтисодий ўзгаришлар рўй берган бўлса-да, бу вазифа ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

“Совуқ уруш”нинг тугаши ҳамда Япониянинг ташқи иқтисодий алоқаларда мавқеи кучайиши муносабати билан ғарбдаги шериклар “Япония иқтисодий тизими - бозор иқтисодиёти ва капитализм фалсафасидан оғиш эмас, балки умуман бошқа қадриятлар ва фалсафага асосланган”, дея эътироф эта бошладилар³². Шунингдек, бюрократиянинг ролини пасайтириш, япон

³⁰ Чугров С. Япония в поисках идентичности? // Мировая экономика и международные отношения, 2003. –№12. – С.74.

³¹ Самсонов В. Законодательство Японии в сфере обороны и перспективы его совершенствования // Зарубежное военное обозрение, 2003. –№2. – С.6.

³² Japanese Firms. Finance and Markets. –P.213.

бозорини чет эл моллари ва сармояларига очишни таъминлайдиган ислоҳотлар ўтказиш талаби ҳам пайдо бўлди.

Япониядаги айнан мансублик масаласига бўлган муносабатларга Осиё-Тинч океани минтақасининг геосиёсий таркиби ҳам таъсир этмоқда. Биринчидан, бу АҚШ билан ўрнатилган ҳарбий-сиёсий иттифоқ. Иккинчидан, минтақада АҚШ, РФ, ХХР ўртасидаги рақобат. Учинчидан, янги ва эски иқтисодий етакчилар – Япония, АҚШ, АСЕАН ва ХХРнинг “тўртбурчакли” интеграциявий интилишлари. Британиялик японшунос Г.Хукнинг таъкидлашича, Япония, АҚШ ва Шарқий Осиё ўртасидаги уч томонлама муносабатлар минтақадаги глобаллашув табиатининг тимсоли бўлиб, Вашингтон ва Япониянинг Осиёда глобаллашувини ўз ичига олади³³.

Япония ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, Осиё ва Ғарб дунёси ўртасида воситачилик ролини ўйнамоқда. Бунга мисол тариқасида Токионинг 1994 йил Богорда (Индонезия) минтақа етакчилари учрашувида фаоллигини айтиш мумкин. Маълумки, ўшанда расмий Вашингтон эркин савдо тамойили ва институционал ёндашув, Осиё мамлакатлари эса ўзларига хос анъанавий консенсус тарафдори эди. Токионинг вазифаси иккала позицияни яқинлаштириш эди. Натижада Япония Индонезия ёрдамида индустрисл давлатлар учун 2010 йил, ривожланаётган давлатлар учун 2020 йилга келиб эркин иқтисодга эришиш концепциясини қабул қилди³⁴.

Япония ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, шаклланаётган Шарқий Осиё ҳамжамиятида ўз ролини ўйнашга ҳаракат қилмоқда. 2002 йилда Япония бош вазири Ж.Коидзуми Сингапурдаги маъruzасида “Кенгайтирилган Шарқий Осиё ҳамжамияти” гоясини илгари сурди ва бу “Коидзуми доктринаси” номини олди, бунга кўра ҳамжамият марказида Япония, АСЕАН мамлакатлари, ХХР, Жанубий Корея, Австралия ва Янги Зеландия туради³⁵. Япония томонидан илгари сурилган бундай ташаббуслар – ХХР таъсирини камайтиришга ёрдам берувчи мамлакатларни ҳамжамиятга жалб этиш мақсадини кўзлади.

Осиё масалалари бўйича америкалик тадқиқотчи К.Б.Пайл фикрича, яқин келажакда ОТОМ ривожига Япония Хитойдан кам таъсир ўтказмайди. Буни тасдиғи сифатида Япониянинг Шимолий Атлантика иттифоқи билан муносабатларининг фаоллашганини айтиш мумкин: 2007 йилда бош вазир С.Абэ Брюсселда иттифоқнинг штаб-квартирасига ташрифи чоғида Япония икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга тайёр эканлигини таъкидлади. Бу эса Японияни Иттифоқнинг Шарқий шериги сифатида эътироф этиш

³³ The Political Economy of Japanese Globalization. –N.Y.L., 2001. – P.5.

³⁴ Чугров С. Япония в поисках идентичности? //Мировая экономика и международные отношения, 2003. – №12. – С.79.

³⁵ Стрельцов Д.В. Япония и «Восточноазиатское сообщество»: взгляд со стороны//Мировая экономика и международные отношения, 2007. – №2. – С.58.

демакдир. С.Абэ томонидан 2007 йилда қабул қилинган “Тўрт томонлама ташаббуслар” дастури ОТОМ вазиятга жиддий таъсир ўтказади. Бундай ташаббуслар АҚШ, Япония, Австралия ва Ҳиндистоннинг турли соҳалардаги фаолиятларида ҳамкорлигини кенгайтиришни назарда тутади. С.Абэ фикрича, Япония ўз иштироки орқали “озодлик ва фаровонлик”нинг Осиё ёйини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди. Ушбу ёй эса Япония учун углеводородлар келтириладиган йўналишларга тўғри келади³⁶.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ташқи сиёсатнинг фаоллигига қарамай, Япония олдига қўйган мақсадларнинг энг муҳимларига – БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолиги статусига ва “шимолий худудлар” муаммосини ҳал қилишга ҳозирча эриша олмади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакат ташқи сиёсий йўлининг ўзгариш жараёни ҳалигача давом этмоқда. Япония келажақда Осиё –Тинч Океани минтақаси ва дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши кутилмоқда.

³⁶ Терехов В. Военно-политическое становление Японии//Азия и Африка сегодня, 2008. – №7. – С.3.